

Ўзбекистон Республикаси номидан
ҳ у к м

2019 йил июнь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят Ёзёвон туман суди ўз биноси, Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 54-уй 44-хонадон ва Фарғона вилоят ИИБ 10-сонли тергов хибсхонаси биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Хайдаров, А.Холматов ва А.Рахимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ёзёвон туман прокурори ёрдамчиси О.Холматов, жабрланувчи Р.Изно ва Х.Лутфуллаевалар, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “Qudratli qalqon” адвокатлик бюроси адвокати Л.Маматқулов, таржимон Г.Назарованинг иштирокида [REDACTED] нисбатан 1-1510-1901/43-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган;

1. жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 11.01.2011 йилги ажримига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига кўра ҳаракатдан тутатилган;

2. жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 09.06.2011 йилги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”, “б”, “в” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазодан 05.12.2011 йилги амнистия актига асосан озод этилган;

3. жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 08.06.2016 йилги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 62-моддасига асосан, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил 9 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони ўтамаган, жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2017 йил 28 сентябрь кунги ажрими билан, ЖКнинг 46-моддасига асосан, 2 йил 9 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, ишламайдиган, [REDACTED]

[REDACTED] жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2017 йил 2 февраль кунги ажрими билан сиртдан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланган, 2019 йил 27 март

кунидан камокда сақланаётган, айблов хулосасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

1. [REDACTED], такроран, ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Х.Лутфуллаевага Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадонни Х.Лутфуллаева таниши Г.Азимова номига қонуний расмийлаштириш беришини айтиб алдаб, 2015 йил январь-сентябрь ойи давомида унинг жами 3.500 АҚШ доллари (9.173.500 сўм) ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзи фойдаланиш мақсадида, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат ҳисобланган Киргули туман ҳокимининг 1993 йил 27 сентябрь кунги Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадон Азимова Гульнора Муталиповнага шахсий мулк сифатида берилганлиги ҳақида 520-сонли қарори кўчирмасини қалбакилаштириб, мазкур қалбаки қарор кўчирмасини 24.12.2015 йилда Фарғона шаҳар “Ермулккадастр” давлат унитар корхонасига 22012-сонли буюртма ариза билан тақдим этган.

Фарғона вилояти давлат архивининг 2015 йил 26 декабрь кунги 01-23/663-сонли алоқа хатида Фарғона шаҳар Киргули туман ҳокимининг 1993-йил 27-сентябрь кунги 520-сонли қарори уйларни сотиш нархини белгилаш ҳақидаги эканлиги, унда Г.Азимова билан боғлиқ маълумотлар қайд этилмаганлиги кўрсатилган.

2. Бундан ташқари, [REDACTED] такроран, жиноий шериги билан (унга нисбатан қисми ажратилган) олдиндан жиноий тил бириктириб, Р.Т.Изнога тегишли Фарғона шаҳар, Янги-Аср кўча, 152-уй, 49-хонадонга эгалик ҳуқуқини қўлга киритишда фойдаланиш мақсадида, Фарғона шаҳар “63-Ибн Сино” маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Нишонов ва масъул котиби Н.Таджибаеваларнинг имзоларини қалбакилаштириб, юқоридаги хонадонда П.Исмоилов яшаб келаётганлигини тасдиқловчи, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат ҳисобланган 10.01.2016 йил кунги 30-сонли маълумотномани қалбакилаштириб, ушбу маълумотноманинг қалбаки эканлигини билгани ҳолда П.Исмоилов номига Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 152-уй, 49-хонадонга эгалик ҳуқуқи белгилаш ҳақида даъво ариза кўзгатиб, даъвони асословчи далил сифатида фойдаланиб, Фарғона туманлараро судининг 10.03.2016 йилдаги ҳал қилув қарори чиқарилишига эришишган.

3. Бундан ташқари, [REDACTED] келгусида ўзи фойдаланиши мақсадида аслида марҳум Шедрина Татьяна Сергеевнага тегишли Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 27^б-уй 26-хонадонга Т.Шедрина номидан унинг ўғли

мархум Шедрин Анатолий Вениаминовичга нотариус А.Ахмедов томонидан 05.02.2016 йилдаги 2-056 реестр билан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани қалбакилаштириб, 14.03.2016 йилда А.Шедрин номидан Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 27Б-уй 26-хонадонни кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича Фарғона шаҳар “Ермулккадастр” давлат унитар корхонасига 5165-сонли буюртма ариза билан мазкур мерос гувоҳномасини тақдим этган.

А.Ахмедов томонидан берилган маълумотномага кўра, 05.02.2016 йилдаги васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномаси 2-056 реестр рақами билан нотариал тартибда рўйхатдан ўтмаганлиги аниқланган.

Ўтказилган 11.05.2016 йил кунги судга оид техник-криминалистик ва хатшунослик экспертизаси 95, 96-сонли хулосасида 05.02.2016 йил кунги “Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома”даги нотариус А.А.Ахмедов номидан қўйилган имзо нотариус А.А.Ахмедов томонидан эмас, балки бошқа шахс томонидан қўйилганлиги, шунингдек ушбу гувоҳномадаги юмалоқ гербли муҳр нотариус А.А.Ахмедовнинг юмалоқ гербли муҳри билан эмас, балки бошқа муҳр билан босилганлиги аниқланган.

Ўтказилган 06.06.2019 йил кунги судга оид хатшунослик экспертизаси 177-сонли хулосасига кўра, 14.03.2016 йилда А.Шедрин номидан Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 27Б-уй 26-хонадонни кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича Фарғона шаҳар “Ермулккадастр” давлат унитар корхонаси берилган 5165-сонли буюртма аризадаги ёзувлар Т.Нишонов томонидан ёзилгани аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига иқрор бўлмасдан, таниши О.Исмоилов 2015 йил июнь-июль ойларида квартира сотиб олмоқчилигини айтгани, сотиладиган квартира Таджихмедова Зулфияда борлигини айтиб, Эров Мухиддин билан уни рўпара қилгани, З.Таджихмедова унга Қиргули даҳаси, Ш.Рашидов кўча, 13-уй 10-хонадонини 5000 АҚШ долларига сотгани, О.Исмоилов унга даъво қилгани, З.Таджихмедова Фарғона шаҳар, Янги-аср (Тургенева) кўча, 152-уй, 49-хонадонни ҳужжатлари О.Исмоиловнинг отаси П.Исмоиловни номига ўтказиб беришини айтгани, П.Исмоилов ушбу уйда яшаб келаётганлиги тўғрисида Фарғона шаҳар 63-“Ибн Сино” маҳалласи раиси С.Нишонов ва котибаси Н.Таджибаеваларнинг имзолари бўлган 10.01.2016 йилги 30-сонли маълумотномани З.Таджихмедова тайёрлатгани, З.Таджихмедов маҳаллада ишловчиларни танишлигини, 100000 сўмга далолатнома ва маълумотнома олиб беришини айтгани, ушбу маълумотнома эвазига З.Таджихмедовага 100 000 сўм бергани, ушбу уйни ҳужжатларини ва маълумотномасини у Фарғона туманлараро судига тақдим этгани, суд куни З.Таджихмедова айтган гувоҳларни судга олиб бергани, Сўх туманидан О.Исмоилов, П.Исмоилов, гувоҳлар Сайёра, Мухайё, Мухиддин, Рустам акалар фуқаролик судига З.Таджихмедова айтгани учун боргани, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганида қарорни олиб Фарғона шаҳар, Янги-аср (Тургенева) кўча,

152-уй, 49-хонадонга боргани, бу хонадонда яшаётган аёл уларни хонадонга киритмагани, дастлабки терговда ушбу хонадонни З.Таджихмедова орқали Сухановадан 1999 йилда сотиб олгани, лекин ҳужжатлари йўқлиги, З.Таджихмедов олган 5000 АҚШ долларини П.Исмоилов ундан талаб қилганидан кейин ушбу уйни фуқаролик суди орқали П.Исмоиловга расмийлаштириб бермоқчи бўлгани, фуқаролик судида гувоҳларга ушбу хонадонни П.Исмоилов 1999 йилда сотиб олгани ҳақида кўрсатув беришини айтгани ҳақида кўрсатув бермагани, сўроқ баённомасини ўқимасдан имзо қўймагани, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида О.Исмоиловдан фирибгарлик йўли билан пул олгани ҳақида ноҳақ айблангани, мазкур хонадон аслида кимга тегишли эканини билмаслигини, Р.Изно ва Сухановани танимаслиги, Фарғона шаҳар 58-сонли Маданият маҳалласига маълумотнома олишга боргани, шунда маҳалла раиси Х.Лутфуллаева билан танишгани, Х.Лутфуллаева унга Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 38-уй 7-хонадонни сотиб олиш учун кўрсатиб, унга 3500 АҚШ долларига сотишини айтгани, Х.Лутфуллаевага 3500 АҚШ доллари бергани, кейинчалик ушбу уйни қонуний эгаси чиқиб, суд орқали тортиб олгани, аслида ишда жабрланувчи экани, Фарғона кўчаси 45-уй, 42-хонадон бўйича ҳеч нарсани билмаслигини, дастлабки терговдаги Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадонга борганида Гулнора исмли аёл фарзандлари билан бирга яшаб келаётгани, Х.Лутфуллаева уйни эгаси ўлиб кетганлигини ва сотишини айтганида рози бўлмагани ҳақидаги кўрсатувларини ўқимасдан имзолагани, Фарғона шаҳар Фарғона кўчаси 45-уй, 42-хонадонни ҳеч бир шахсга сотмоқчи бўлиб, ҳужжат тайёрламагани, Х.Лутфуллаевадан умуман пул олмагани Азимова Гульнора Муталиповнани танимаслигини, уни “Ермулккадастр” идорасига олиб кирмагани, унга ариза ва ҳужжатлар ёздириб, имзолатмагани, аксинча Х.Лутфуллаевалар ушбу хонадонга Г.Азимова яшашлиги ҳақида далолатнома тайёрлаб берганлиги ва ушбу далолатнома қаерда қолганини билмаслиги, мазкур хонадонга умуман алоқаси йўқлиги, марҳум Шедрина Татьяна Сергеевнага қонуний тартибда тегишли бўлган Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 27^б-уй 26-хонадонни, Т.Шедрина ўғли марҳум Шедрин Анатолий Вениаминович номига нотариус А.А.Ахмедов томонидан 05.02.2016 йилдаги 2-056 реестр билан расмийлаштирилган мерос гувоҳномасини у тайёрламагани, 14.03.2016 йилда ишлари билан А.Шедрин номидан ушбу уйни кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича Фарғона шаҳар “Ермулккадастр” давлат унитар корхонасига 5165-сонли буюртма ариза билан мурожаат қилмагани ва аризани ёзмагани, шу куни ўзини Фарғона шаҳар С.Темур кўчаси 44-уй 28-хонадон ҳужжатларини олиш учун “Ермулккадастр” идорасига боргани ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Р.Изно судда, 1997 йилда Суханов Владимир Андреевични Фарғона шаҳар, Қиргули туман, Тургенева кўча, 152-уй, 49-хонадонига Сирдарёдаги ўзларини хонадонини Давлат нотариал идорасида шартнома билан айирбошлаб, Фарғонага кўчиб келгани, уй энаси Яковлева Екатерина Дмитриевна номида бўлиб, у 2000 йил вафот этгани, кейин ягона

меросхўр онаси - Яковлевой Валентина Совлевна бўлгани, у 2008 йилда вафот этгани, шундан бери мазкур хонадонда бир ўзи яшаб келиши, 2016 йил март ойида Россия Федерациясининг Қрим Республикасига ишга кетишдан олдин ушбу хонадонни, қўшни 166-уй 36-хонадонда яшовчи Нурматова Зулхуморга фойдаланиб туришга қолдиргани, 2016 йил апрель ойида Қрим Республикасида бўлганида холаваччаси Чубова Любовь Викторовна телефон қилиб, унинг хонадонини нотаниш шахслар ўзларига тегишлилиги эканлиги, бу бўйича қандайдир ҳужжатни кўрсатишганини айтгани, Фарғона шаҳрига қайтиб, холаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза берганини билгани, моддий зарар кўрмагани, судланувчига моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Х.Лутфуллаева судда, 2010-2016 йилларда Фарғона шаҳар 58-сонли “Маданият” маҳалласида раис лавозимида ишлагани, 2014 йил куз фаслида ёнига [REDACTED] маҳаллада яшовчи рус миллатига мансуб шахс билан келиб, ушбу шахсга маълумотнома олгани, квартира керак бўлса арзонроқ олиб беришини айтгани, [REDACTED] Киргили мавзесидан арзонроқ уй олиб беришини айтгани, [REDACTED] рози бўлиб ёши катта аёл бўлса, давлатга тегишли уйлардан бирини уни номига қонуний расмийлаштириб олиб беришини, уйни ҳужжатларини ўзи қилишини, ҳужжатлар учун пул сарфланишини айтгани, у таниши Азимова Гулнорани паспорти нусхасини [REDACTED] бергани, 2015 йил январь-сентябрь ойларидан [REDACTED] уйни ҳужжатлари учун деб, ҳар келганида 200-500 АҚШ доллари, жами 3500 АҚШ доллари олиб кетгани, 2015 йил декабрь ойида [REDACTED] уйни ҳужжатлари тайёр бўлганлигини, Г.Азимова кадастрга келиб ариза ёзиб беришини айтгани, Г.Азимовани кадастрга олиб борганида [REDACTED] кутиб олиб, у ерда Г.Азимова ариза ёзиб берганлигини, [REDACTED] ҳеч қандай уй олиб бермагани [REDACTED] Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадонни ҳужжатларини қонуний қилиб бермоқчи бўлгани, ушбу хонадон давлат захирасидаги уй экани, ушбу хонадонда Г.Азимова яшашлиги ҳақида далолатномани [REDACTED] қилиб бермагани, етказилган моддий зарарни ундириб беришликни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Х.Лутфуллаева ва судланувчи Т.Нишонов ўртасидаги юзлаштириш тергов ҳаракатида Х.Лутфуллаева ўз кўрсатувини тасдиқлаган.

Гувоҳ Нишонов Сахобжон Собирович судда, 2009-2016 йилда Фарғона шаҳри, 3-сонли “Ибн-Сино” маҳалласи раиси лавозимида ишлагани, 63-сонли Ибн Сино маҳалласининг 10.01.2016 йил кунги 10-сонли маълумотномасидаги уни номидан қўйилган имзо унга тегишли эмаслиги, котиба Н.Т.Таджибаева имзоси ҳам қалбаки экани, маълумотномада кўрсатилган 08.07.1964 йилда туғилган Исмоилов Полвонжон Тўхсановични танимаслиги ва у Янги аср кўча, 152-уй 49-хонадонда яшамагани, бу манзилда Изно Рафик онаси ва бувиси билан яшаб келгани, 2016 йил бошида Р.Изно Россиянинг Қрим Республикасига ишлаш учун кетиб, хонадонни вақтинча фойдаланиб туриш учун Нурматова Зулхуморга топшириб кетгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Ризаева судда, Фарғона шаҳар 58-сонли “Маданият” маҳалласи котибаси вазифасида ишлаб келиши, Х.Лутфуллаева 2013-2016 йилларда ушбу маҳалла раиси лавозимида ишлагани, Х.Лутфуллаевга [REDACTED] қонуний уй олиб бермоқчи бўлгани, 2015 йил январь-сентябрь ойларида [REDACTED] маҳалла идорасига келиб Х.Лутфуллаевдан 300-500 АҚШ доллари олиб кетиб тургани, Х.Лутфуллаев [REDACTED] жами 3.500 АҚШ доллари берганлигини айтгани, [REDACTED] уй олиб бермагани, Х.Лутфуллаева хонаси очик тургани учун пул бераётгани, ўзаро ва телефон орқали гаплашаётганидан гувоҳлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Ризаева ва судланувчи [REDACTED] ўртасидаги юзлаштириш тергов ҳаракатида М.Ризаева ўз кўрсатувини тасдиқлаган.

Гувоҳ Г.Азимова судда, 2014 йил куз ойида Фарғона шаҳар 58-сонли “Маданият” маҳалласи раиси Х.Лутфуллаева уй сотиб олаётганлигини, уйнинг ҳужжатларини уни номига расмийлаштириб, кейин ўзининг номига ўтказиб олишини, шунга паспорти нусхаси керак бўлганлигини айтгани, у рози бўлгани, ўша вақтларда маҳаллада комиссия аъзоси экани сабабли ҳужжатлари нусхаси маҳалла идорасида туриши, орадан бир неча ой ўтиб, Х.Лутфуллаева телефон қилиб, шаҳар кадастр идорасига бориб келишини, олаётган уйи ҳужжатлари тайёр бўлгани, шунга имзо қўйиб келишини айтганида рози бўлгани, бир оз вақт ўтиб Х.Лутфуллаева уйи олдида машинада келганлигини, Матиз русумли автомашинада нотаниш шахс, Х.Лутфуллаевалар билан кадастр идорасига боргани, бу ерда тожик тили шеvasида гапирадиган бир шахс уни кадастр идорасига олиб кириб, ушбу шахс айтиб турган ҳужжатларга имзо қўйиб турганлигини, судланувчи Т.Нишонови орадан анча йил ўтгани учун эслай олмагани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ М.Эгамқулов судда, “Ермулккадастр” давлат унитар корхонаси кўчмас мулк бўлимида ишлашлигини, хизмат вазифасига “бир оина” орқали фуқаролардан келиб тушган буюртма-ариза асосида кадастр ҳужжатларини тайёрлаш кириши, 14.03.2016 йилда ишхонасига [REDACTED] рус миллатига мансуб шахс билан кириб, [REDACTED] марҳум Шедрина Татьяна Сергеевнага тегишли Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 27^б-уй 26-хонадонни, Т.Шедринанинг ўғли марҳум Шедрин Анатолий Вениаминович номига нотариус А.А.Ахмедов томонидан 05.02.2016 йилдаги 2-056 реестр билан расмийлаштирилган мерос гувоҳномаси мавжуд ҳужжатларни “бир оина” бўлимига топширишга ёрдам сўрагани, у рус миллатига мансуб шахсдан ҳужжатларни олиб, “бир оина” бўлимига топширишда ёрдам бергани, [REDACTED] олдидаги рус миллатига мансуб шахсни А.Шедрин деб уйлагани, буюртма хатини бирор иш ўрганувчилар ёзиб берган бўлиши мумкинлиги, лекин айнан ким ёзганини ва А.Шедринни 2008 йилда вафот этганини билмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Тоджалиев судда, муқаддам вилоят давлат архиви директори лавозимида ишлагани, 2015 йил 14 май куни Фарғона шаҳар, Киргули тумани ҳокимининг 1993 йил 27 сентябрь кунги Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадон Азимова Гульнора Муталиповнага шахсий мулк

сифатида берилганлиги ҳақидаги 520-сонли қарорини кўчирмаси вилоят давлат архиви директориға тегишли эмаслигини, бу вақтда директор бўлиб ишламагани, кўчирмадаги муҳр 2011 йилда йўқ қилинганини, имзо ўзига тегишли эмаслиги, [REDACTED] танимаслиги, ушбу қарор кўчирмаси ким томонидан қалбакилаштирилганини билмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Рахмонова судда, вилоят давлат архиви мутахассиси лавозимида ишлашлиги, 2015 йил 14 май куни Фарғона шаҳар Киргули тумани ҳокимининг 1993 йил 27 сентябрь кунги Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси 45-уй, 42-хонадон Азимова Гульнора Муталиповнага шахсий мулк сифатида берилганлиги ҳақидаги 520-сонли қарорини кўчирмаси вилоят давлат архиви директориға тегишли эмаслигини, бажарувчи сифатида кўчирмада кўрсатилган бўлса-да, аслида у томонидан тайёрланмагани, кўчирмадаги муҳр 2011 йилда йўқ қилинганини, кўчирмадаги фонд рақами нотўғри экани, ушбу қарор кўчирмаси ким томонидан қалбакилаштирилганини билмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Исмоилов судда, П.Исмоиловни ўғли экани, [REDACTED] Сўх туманида кўшниси экани, [REDACTED] ва уни шериклари 2015 йилда Фарғона шаҳридан уй олиб беришлик учун 7000 АҚШ доллари олганлигини, 8 та уй кўрсатишиб, лекин уй олиб бермагани, [REDACTED] ва шериклари жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида ушбу ҳолат бўйича ЖК 168-моддаси билан судлангани, 2016 йилда юқоридаги қарзи бўйича фуқаролик суди орқали Фарғона шаҳар, Янги-аср (Тургенева) кўча, 52-уй, 49-хонадонни отаси П.Исмоилов номига кадастр ҳужжати тайёрлаб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариб беришини айтгани, [REDACTED] судда дадасига ушбу уйда яшашлиги ҳақида айтишини таъкидлагани, кейинчалик ҳал қилув қарори ҳам чиққанлигини, кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, уйга ҳам киргани, лекин кейинчалик билса ушбу хонадонни ҳақиқий эгаси бошқа экани ва улар уйни бўшатиб бермагани, 7000 АҚШ долларини алдаб олганлик ҳолати бўйича [REDACTED] ва уни шериклари жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида жавобгарликка тортилгани, П.Исмоилов аслида Фарғона шаҳар, Янги-аср кўча, 52-уй, 49-хонадонда яшамагани, даъво ариза билан тақдим этиб, олинган маълумотнома ва ҳужжатларни [REDACTED] в тайёрлагани ҳақида кўрсатув берди.

2019 йил 7 июнь кунги Фарғона шаҳар “Ермулккадастр” хизматининг 2050-сонли маълумотномасига кўра, Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси 44-уй 28-хонадон бўйича 2016 йил давомида, яъни [REDACTED] “Ермулккадастр” хизматиға борган 14.03.2016 йил куни бирор ҳужжат расмийлаштирилмагани аниқланган.

[REDACTED] жиноят содир этганликда айби, жабрланувчилар Х.Лутфуллаева ва Р.Изно кўрсатувлари, гувоҳлар кўрсатувлари, судга оид хатшунослик экспертизаси хулосалари, қалбаки маълумотнома, қалбаки мерос гувоҳномаси, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа ишончли далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли қарорининг 3-бандида “Фирибгарлик ўзганинг

мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради” деб, 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.” деб тушунтириш берилган.

Дастлабки тергов органи томонидан [■] такроран, бир гуруҳ шахлар билан олдиндан жинойий тил бириктириб, Р.Т.Изнога тегишли Фарғона шаҳар, Янги-Аср кўчаси, 152-уй, 49-хонадонга эгалик ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида, Фарғона шаҳар “63-Ибн Сино” маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.С.Нишонов ва масъул котиби Н.Т.Таджибаеваларнинг имзоларини қалбакилаштириб, юқоридаги хонадонда П.Т.Исмоилов яшаб келаётганлигини тасдиқловчи, расмий ҳужжат ҳисобланган 10.01.2016 йил кунги 30-сонли маълумотномани қалбакилаштириб, ушбу маълумотномани П.Т.Исмоилов номига Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 152-уй, 49-хонадонга эгалик ҳуқуқи белгилаш ҳақида кўзгатишган даъвои асословчи далил сифатида фойдаланиб, Фарғона туманлараро судининг 28.09.2016 йилдаги ҳал қилув қарори чиқарилишига эришишганлик қилмиши ва [■], такроран, Х.Лутфуллаевага Фарғона шаҳар Фарғона кўчаси 45-уй, 42-хонадонни Х.Лутфуллаеванинг таниши Г.Азимова номига расмийлаштириш беришини айтиб алдаб, 2015 йил январь-сентябрь ойлари давомида унинг жами 3.500 АҚШ доллари (9.173.500 сўм) ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Киргули тумани ҳокимининг 1993 йил 27 сентябрь кунги Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадон Азимова Гульнора Муталиповнага шахсий мулк сифатида берилганлиги ҳақида 520-сонли қалбаки қарори кўчирмасини тайёрлаб, мазкур қалбаки қарор кўчирмасини Фарғона шаҳар “Ермулккадастри” давлат унитар корхонасига буюртма ариза билан тақдим этганлик қилмиши, [■] мархум Т.Шедрина номидан унинг ўғли мархум Шедрин Анатолий Вениаминовичга нотариус А.Ахмедов томонидан 05.02.2016 йилдаги 2-056 реестр билан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани қалбакилаштириб, тайёрлаб, мазкур мерос гувоҳномасини 14.03.2016 йилда А.Шедрин номидан Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 27^Б-уй 26-хонадонни кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича Фарғона шаҳар “Ермулккадастр” давлат унитар корхонасига 5165-сонли буюртма ариза билан мурожаат қилганлик қилмиши ЖК 168-модда 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри, ЖК 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри малакаланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 1-қисми диспозициясида “сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий

хужжатлар тайёрлаши ёки расмий хужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай хужжатларни сотиши”га жавобгарлик кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли қарорининг 19-бандида “Судларга тушунтирилсинки, қалбаки хужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, башарти хужжат айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, жиноятлар мажмуи тарзида ЖК 168-моддаси ва 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилинади.

Шахс фирибгарлик мақсадида ўзи томонидан тайёрланган қалбаки хужжатдан фойдаланган, бироқ унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўзганинг мулкани ололмай ёки мулкка нисбатан ҳуқуққа эга бўлолмай қолган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи тарзида ЖК 25-моддаси иккинчи қисми, ЖК 168-моддаси ва ЖК 228-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки хужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади ва ЖК 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда хужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлади.” деб тушунтириш берилган.

Қонун ва Пленум қарори мазмунига кўра, фойдаланиш мақсадида ўзи томонидан қалбакилаштирилган хужжатдан фойдаланиш қилмиши ЖК 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилиниши тушунилади.

Фарғона шаҳар “63-Ибн Сино” маҳалла томонидан Фарғона шаҳар, Янги аср кўча, 152-уй, 49-хонадонда П.Т.Исмоилов яшаб келаётганлигини тасдиқловчи 10.01.2016 йил кунги 30-сонли қалбаки маълумотномани, Киргули тумани ҳокимининг 1993 йил 27-сентябрь кунги Фарғона шаҳар, Фарғона кўча, 45-уй, 42-хонадон Азимова Гульнора Муталиповнага шахсий мулк сифатида берилганлиги ҳақида 520-сонли қалбаки қарори кўчирмасини ва марҳум Т.Шедрина номидан унинг ўғли марҳум Шедрин Анатолий Вениаминовичга нотариус А.Ахмедов томонидан 05.02.2016 йилдаги 2-056 реестр билан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани [REDACTED] ва шериклари фойдаланиш мақсадида қалбакилаштириб, кейин фойдаланганлик қилмиши ЖК 228-модда 2-қисми “а,б” бандлари билан қамраб олинади. Ушбу жиноий қилмишни ЖКнинг 228-модда 3-қисми билан қўшимча малакаланиш мумкин эмас.

Суд шу сабабли, [REDACTED] айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 3-қисмини чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8, 44, 54-моддалари, Олий суд Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг ва бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши, айбдорга енгилроқ жазо қўллаш

орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмаган тақдирдагина оғирроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши кўрсатилган.

Суд, [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, оилавий шароити, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, ғаразли ва паст ниятларда жиноят содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми ва 228-модда 2-қисми санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва мазкур жазога ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2017 йил 28 сентябрь кунги ажрими билан алмаштирилган 2 йил 9 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

Жабрланувчи Х.Лутфуллаевага етказилган 3 500 АҚШ долларни бугунда сўмдаги қиймати 29815380 сўм судланувчи Т.Нишоновдан ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб,

ҳ у к м қ и л д и:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси (эски тахрир) ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил уч йил олти ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2017 йил 28 сентябрдаги ажрими билан алмаштирилган 2 йил 9 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталмаган қисми мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] жазоси муддати 2019 йил 27 мартдан ҳисоблансин.

[REDACTED] қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жазони манзил колонияларида ўташ тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] жабрланувчи Х.Лутфуллаева фойдасига 3 500 АҚШ долларини зиённи сўмдаги қиймати 29 815 380 (йигирма тўққиз миллион саккиз юз ўн беш минг уч юз саксон) сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Хайдаров

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Б.Хайдаров

